

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1100-ҳадис

1100/2473 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَضَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَشَاجَرُوا

فِي الطَّرِيقِ بِسَبْعَةِ أَذْرُعٍ.

1100.2473. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Одамлар йўл хусусида талашиб қолишганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етти зироьга ҳукм қилдилар».

* Зироь - қадимги узунлик ўлчовларидан бўлиб, ўрта бўйли одамнинг тирсагидан бармоқ учигача бўлган ораликқа қиёсан олинган. Зироь бугунги ўлчовда 46,2 см. га тўғри келади.

Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уй ва бошқа бинолар қурилганда пиёда ва улов-араваларнинг ўтиши учун керак бўлган кенгликда йўл ташлашни тавсия қилганлар ва бу борада келишолмай, тортишиб қолган маҳалла аҳлига ўша давр шароитидан келиб чиқиб, 7 зироь (3,22 м) йўл ташлашни буюрганлар. Бундан келиб чиқадикки, бино қуришда, шаҳарсозликда йўловчилар учун керакли кенглик ва узунликда йўл ташлаш динимизнинг талабларидандир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI